

## НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИ: МАҚСАДИ ВА ҚҮЛЛАШ ТАРТИБИ

Убайдуллаев Тохиржон Абдуллаханович

Наманган давлат техника университети,

"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси ўқитувчиси

[xulugbek1984@gmail.com](mailto:xulugbek1984@gmail.com)

+998(99)982-19-61

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашга таъсир этувчи назорат-касса машинаси тизими ўрганиб чиқилган. Мамлакатимизда назорат-касса машинаси шаклланишида республикамиздаги шартшароитлар таҳлил қилиниб, хуносалар қилинган.

**Калим сўзлар:** Назорат-касса машинаси, фискал хотира, ҳисоб-китоб, онлайн касса чеки, шохобча, Ўзстандарт, солиқ органлари, рақамли Ўзбекистон.

### Кириш

Маҳсулотлар, товарларни сотишда, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишида аҳоли билан пулли ҳисоб-китоблар барча юридик шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан назорат-касса машиналари мажбурий тартибда қўлланган ҳолда амалга оширилади.

Назорат-касса машинаси (НКМ) – товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатишида пулли ҳисоб-китобларни ёзиш учун фойдаланиладиган, фискал хотира блокига эга бўлган электрон ускуна. У электр энергияси борлигидан қатъи назар, ахборот ҳар сменада тузатилмай рўйхатдан ўтказилиши ва узоқ вақт сақланишини таъминлайди.

Касса аппаратининг асосий вазифаси – олди-сотди битимини хотирада ва қоғозда (касса чекида) қайд этиш. Бироқ НКМ – фақат давлат томонидан нақд пул оборотини назорат қилиш, корхоналарнинг нақд тушумни тўлиқ ва ўз вақтида кирим қилиши дастаги эмас. У сотувчиларни назорат қилиш имконини бериши сабабли бизнеснинг ўзи учун ҳам зарур.

### Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани тайёрлашда қиёсий, таҳлил қилиш ва танлама кузатиш, статистик ҳамда кўп омилли эконометрик таҳлил усувлари, моделлаштириш жараёнларда иқтисодий-математик, ноаниқ тўплам назарияси, прогнозлаш ва бошқа усувлар қўлланилган.

### Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда фақат Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг Давлат реестрига (ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарори<sup>112</sup>) киритилган НКМ моделлари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари қўлланилади. Агар улар Давлат реестрига киритилмаган бўлса, уларни қўллаш тақиқланади. НКМнинг

<sup>112</sup> Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. <https://lex.uz/docs/1904344>

Давлат реестри ЎзР Давлат солиқ қўмитасининг soliq.uz расмий сайтида жойлаштирилган.

НКМни рўйхатдан ўтказиш, қўллаш, унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмиглашдан бошлаб уни қўллаш тартиби қатъий тартибга солинган. Уни қўллашга доир талаблар қуйидаги хужжатлар билан белгиланган:

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 306-сон қарорига 1-илова);

Президентнинг "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"<sup>113</sup>ги қарори (26.04.2010 йилдаги ПҚ-1326-сон).

Агар тадбиркорлик субъекти нақд ҳисоб-китоб қилиб товарларни (маҳсулотларни) сотишни ва хизматлар кўрсатишни режалаштираётган бўлса, у НКМни сотиб олиши ва тўғри қўллаши шарт. Нимани қандай қилиш кераклигини қадамма-қадам кўриб чиқамиз.

#### 1-ҚАДАМ. Аппарат сотиб оламиз

Назорат-касса машинаси (НКМ)ни сотиб олаётганда аввало ушбу модел НКМнинг Давлат реестрига киритилганлигини текшириш зарур.

"Ўзстандарт" агентлиги ёки у аккредитациялаган орган томонидан берилган НКМнинг мувофиқлик сертификати мавжудлигига ҳам эътибор беринг. Одатда харидорга ишлаб чиқарувчи ёки импортчининг муҳри билан тасдиқланган сертификат нусхаси тақдим этилади.

Ишлатилган НКМни қўллаш тақиқланмаган. Уни сотиб олаётганда НКМ солиқ органлари ҳисобидан чиқарилганлигини ҳам албатта текширинг. Ҳар бир НКМнинг рўйхатдан ўтказиш карточкаси бўлади, унга ДСИнинг тегишли белгиси қўйилган бўлиши керак.

#### 2-ҚАДАМ. Рўйхатдан ўтказишга тайёрланамиз

Назорат-касса машинаси (НКМ) солиқ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак. Ариза билан бирга ДСИга тақдим этиш учун зарур бўлган бир қатор хужжатларни олдиндан тайёрлаш лозим.

1. Ижара шартномаси. Агар ўз хонаси бўлмаса, хонани изярага олиш шартномасига асосан уни изярага олиш мумкин. Шартномани юридик ва жисмоний шахс билан тузиш мумкин. Ижарага олинаётган хона амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлиши шарт. Тадбиркорлик фаолияти учун турар жой хоналаридан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

2. Нақд тушумни инкассация қилишга шартнома. Кундалик нақд тушум албатта банкка топширилиши керак. Шу сабабли банк ва инкассация хизмати билан нақд пул тушумини инкассация қилиш ҳақида шартнома тузиш зарур.

3. Назорат-касса машинаси (НКМ)га техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмилаш шартномаси. У НКМга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмилашга ихтисослашган хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилади. Бундай ташкилотлар ДСИда ҳисобда туради. Улар сервис хизматлари кўрсатиш билан

<sup>113</sup> <https://www.lex.uz/docs/1620565>

шүгүлланувчи бириктирилган мутахассислар ҳақида, таъмирлашга буюртмаларни қабул қилиш пункти ва телефон рақамини кўрсатган ҳолда, солик органларини ёзма равишда хабардор қиласидилар. Бундай ташкилотлардан бири билан (танловга кўра) НКМга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномасини тузиш мумкин.

4. Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари. Бу маҳсус дафтар бўлиб, унда НКМ хотирасига киритилган ва банк кассасига топширилган пул тушуми ҳақидаги маълумотлар қайд этилади. Бундай дафтарни эркин сотувда харид қилиш мумкин. Дафтар белгиланган шаклда бўлиши керак. Унга тартиб рақами қўйилган, ип билан тикилган, раҳбар имзоси ва корхона мухри билан тасдиқланган бўлиши зарур.

### 3-ҚАДАМ. Рўйхатдан ўтказамиз

Назорат-касса машинаси (НКМ)ни савдо шохобчаси жойлашган жойдаги солик органларида рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш зарур. Агар бир нечта шохобча бўлса, ҳар бири жойлашган жойидаги ДСИда рўйхатдан ўтказилган алоҳида НКМ билан жиҳозланган бўлиши керак.

Рўйхатдан ўтказиш карточкаси амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади ва нақд пулли ҳисоб-китоб қилиб товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш хукуқини берувчи хужжат ҳисобланади. Уни берганлик учун тўловлар ундирилмайди.

Рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш учун савдо шохобчаси жойлашган жойдаги солик органига ариза билан мурожаат қилиш зарур. Аризага қўйидаги хужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

- Назорат-касса машинаси (НКМ)нинг мувофиқлик сертификати;
- савдо шохобчасини ижарага олиш шартномаси ёки мулк хукуқи ордери;
- нақд пул тушумини инкассатсия қилиш ҳақида шартнома;
- НКМга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномаси;
- НКМ фискал хотираси дастурларининг ҳолати юзасидан хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хulosаси.

Агар НКМдан илгари фойдаланилган бўлса, фискал хотира ҳисоблагичи кўрсаткичларини қайд этиш далолатномасининг нусхаси ва ҳисобдан чиқарилганини ҳақида белги қўйилган рўйхатдан ўтказиш карточкаси ҳам тақдим этилади.

Хужжатларни бевосита (шахсан келиб), почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этиш мумкин. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар хўжалик юритувчи субъектнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари ҳам рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. У ДСИ мухри билан тасдиқланади ва ариза берувчига рўйхатдан ўтказиш карточкаси билан бирга қайтарилади.

Солик органлари тақдим этилган хужжатлар тўғрилигини текширгандан кейин НКМнинг фискал хотирасидан фойдаланишни кодлаштирадилар ва пломба ўрнатадилар. НКМ пломбаларининг бутлиги учун жавобгарлик шахсан корхона раҳбари зиммасига юкланди.

Солик органлари қуийдаги ҳолларда назорат-касса машинаси (НКМ)ни рўйхатдан ўтказишни рад этишлари мумкин:

- хужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;
- хўжалик юритувчи субъект рухсат берувчи талаблар ва шартларга мувофиқ бўлмаганда;
- хужжатларда тўғри бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

Рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги ҳақида корхона ёзма равища, рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилинади.

Рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин ариза берувчи НКМни рўйхатдан ўтказиш учун хужжатларни такроран тақдим этишга ҳақли.

#### 4-ҚАДАМ. Назорат-касса машинаси (НКМ)ни қўллаймиз

Назорат-касса машинаси (НКМ) ҳар куни иш бошланишидан олдин (хўжалик юритувчи субъектнинг буйруғи билан биритирилган) масъул шахс томонидан умумий техник ҳолати, созлиги ҳамда сана ва вақт аниқ кўрсатилиши юзасидан текширилади.

Аҳоли билан ҳисоб-китоб қилишда харидорларга улардан нақд пул қабул қилинганлигини тасдиқловчи чек мажбурий тартибда берилиши керак. Чекларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча маълумотлар бўлиши керак:

- Назорат-касса машинаси (НКМ) эгасининг номи ва СТИР;
- тўлов суммаси;
- товарлар ва хизматлар номи;
- тўлов санаси ва вақти;
- НКМнинг завод рақами;
- касса чекининг тартиб рақами;
- фискал режим белгиси.

Касса чекларида бошқа реквизитлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, савдо шохобчасининг номи ва манзили (хўжалик юритувчи субъект савдо шохобчалари тармоғига эга бўлган ҳолларда).

Иш куни охирида кассир-операциячи томонидан назорат-касса дафтари мажбурий тартибда тўлдирилган ҳолда ҳар бир НКМ бўйича кунлик ҳисобот чиқариб олинади.

Фаолият юритиши жараёнида харидор товарларни қайтариши ҳоллари юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда сотувчи харидорга пул маблағларини қайтариши шарт. Пул маблағлари харидор тақдим этган ёзма ариза ва ушбу товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган касса чеки (ёки квитанция) асосида қайтарилади.

Қайтарилиган товарни қабул қилиб олиш учун юхат расмийлаштирилади (2 нусхада). Бир нусхаси товар ҳисоботига (товарлар ҳаракатини ҳисобга олувчи бухгалтерия ҳужжатига) тиркаб қўйилади, бошқаси харидорга топширилади.

Қайтарилиган суммага масъул шахслар имзолайдиган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари тасдиқлайдиган пул маблағларини қайтариш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади. Харидор тақдим этган касса чеклари қофоз варағига ёпиштирилиб, далолатнома билан бирга бухгалтерияга топширилади.

Кассадан пул маблағларини қайтариш учун харидорнинг фамилияси, исми, отасининг исми албатта кўрсатилган ҳолда чиқим касса ордери тузилади.

**5-ҚАДАМ.** Назорат-касса дафтари тўлдирамиз

Ҳар бир назорат-касса машинаси (НКМ)га алоҳида назорат-касса дафтари тутилади.

Дафтар белгиланган шаклда юритилади, унда иш куни (смена) давомида НКМ хотирасига киритилган ва банк кассасига топширилган тушум ҳақидаги ҳамда иш куни охирида нақд пул тушуми қолдиги суммаси тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади. Дафтар махсус Низомга (АВ томонидан 9.01.2012 йилда 2309-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ тўлдирилади.

Ундаги барча ёзувлар хронологик тартибда сиёҳ билан, ўчириб ёзилмасдан қайд этилади. Дафтарга киритиладиган тузатишлар олдиндан келишилиши ва кассир, директор, унинг ўринbosари ёки бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланиши керак.

Дафтарни ташкилот буйруғига асосан НКМга бириктирилган кассир-операциячи тўлдиради. Якка тартибдаги тадбиркор уни мустақил равища тўлдиради.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбар тайинлаган масъул шахс дафтарга қайд этилган ахборотни текширади ва унинг тўғрилигини тасдиқлаш учун имзо чекади.

Дафтар охиригача тўлдирилган ёки йўқотилган тақдирда НКМ рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органларига ариза билан мурожаат қилиш ва янги дафтарни рўйхатдан ўтказиш зарур. Янги дафтар сўнгги тартиб рақамидан бошлаб давом эттирган ҳолда тўлдирилади.

**6-ҚАДАМ.** Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш

Назорат-касса машинаси (НКМ)ни ишлатиш давомида уни таъмирлаш зарурати юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда дарҳол хизмат кўрсатувчи (НКМга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномаси тузилган) ташкилотдан мутахассисни чақириш ва рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органини бу ҳақда ёзма равища хабардор қилиш лозим. Солиқ органлари билдиришнома ва хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг НКМни таъмирлаш учун етказиш юзасидан тузган далолатнома-кўрсатмасини олган кундан кейинги иш кунидан кечикмай, НКМни пломбани бузган ҳолда таъмирлашга юбориш ҳақида қарор қабул қиласидилар.

НКМни мустақил равища таъмирлаш ёки бошқа ташкилотга таъмирлаш учун бериш тақиқланади. Бу жарима санксиялари солинишига олиб келиши мумкин.

НКМ таъмирлашда бўлган вақтда, шунингдек электр энергияси вақтинча бўлмаса, аҳолидан нақд пул қабул қилиниши квитанция билан расмийлаштирилиши керак. Бу ҳолда савдо-сотик тўхтаб қолишининг олдини олиш учун квитанцияларни (белгиланган шаклдаги) олдиндан расмийлаштириш ва уларни солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш мумкин.

Таъмирлашдан сўнг хизмат кўрсатувчи ташкилот НКМ билан бирга у ўтказилганлиги ҳақида далолатнома ва фискал хотира кўрсаткичлари қайд

этилган далолатнома нусхаларини беради. Солиқ органи НКМга янги пломба ўрнатади.

7-ҚАДАМ. Қайта рўйхатдан ўтказамиз ва назорат-касса машинаси (НКМ)ни ҳисобдан чиқарамиз

Юридик шахс бошқа мулкчилик шаклига ўтиши, ўз номини ёки туман (шаҳар) доирасида турғун шохобчалик жойлашган жойни ўзгартириши мумкин. Бу ҳолда таъсис хужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилгандан ёхуд янги манзилдаги хонани ижарага олиш (ёки мулк ҳукуқини сотиб олиш) шартномаси тузилгандан кейин 7 иш куни мобайнида НКМнинг рўйхатдан ўтказиш карточкасига тегишли ўзгаришларни киритиш учун солиқ органларига:

- турғун шохобча жойлашган жойнинг олдинги ва янги манзили қўрсатилган ариза;
- НКМни рўйхатдан ўтказиш карточкаси;
- янги манзил бўйича турғун шохобча мавжудлигини тасдиқлайдиган хужжатлар;
- турғун шохобчанинг янги манзили бўйича нақд пул тушуми инкассатсияси тўғрисидаги шартноманинг нусхаси тақдим этилиши керак.

Бошқа ҳудуддаги, масалан, бошқа шаҳар, туман ёки ўзга аҳоли пунктидаги (солиқ органларида ҳисобга олиш жойи ўзгарса) турғун шохобча жойлашган жой ўзгарган, шунингдек хўжалик юритувчи субъект тугатилган (фаолияти тўхтатилган) тақдирда НКМ рўйхатдан мажбурий равишда чиқарилиши керак.

НКМни рўйхатдан чиқариш учун унинг эгаси солиқ органи бошлиғи номига ариза тақдим этиши, унда ўз реквизитларини, НКМнинг модели ва завод рақамини, рўйхатдан ўтказишдан чиқариш сабабларини қўрсатиши зарур. Унга қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

- НКМни рўйхатдан ўтказиш карточкаси;
- инкассатсия хизматида тасдиқланган, фаолиятнинг тугалланганлиги тўғрисидаги хат-билдиришноманинг нусхаси;
- кассир-операциячининг назорат-касса дафтари.

Солиқ органи ариза ва илова қилинадиган хужжатлар асосида НКМ рўйхатдан ўтказилган бутун давр учун фискал хотиранинг якуний қўрсаткичларини чиқариб олади. Бу ҳақда далолатнома тузилади, рўйхатдан ўтказиш карточкасига ва НКМни рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли ёзувлар киритилади. Тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейин кассир-операциячининг назорат-касса дафтари ва НКМни рўйхатдан ўтказиш карточкаси хўжалик юритувчи субъектга қайтарилади.

НКМни қўллаш тартибига риоя этилишини солиқ органлари назорат қиласидилар. Улар солиқ текширувларини ўтказиш чоғида НКМда сақланаётган маълумотлардан фойдаланишга ҳақли бўладилар.

НКМни қўллаш тартибини бузганлик учун юридик шахсларга нисбатан Солиқ кодексида назарда тутилган молиявий санксиялар қўлланади.

### Назорат-касса машинаси (НКМ)ни қўллашга доир талаблар

| Амалда қўллагунга қадар   | Қўллаш чоғида  |
|---|--|
| рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган ҳолда солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш               | тўлов пайтида харидорларга касса чеклари бериш   |
| техник хизмат қўрсатиш учун қўйиш   | кассир-операциячининг дафтарида қўрсаткичларни ҳисобга олиш  |
| созлигини текшириш ва ишда синаб кўриш  | назорат чек тасмалари ва бошқа касса ҳужжатларини сақлаш   |
| қўллаш, рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланишга жорий этиш билан боғлиқ ҳужжатларни тузиш ва сақлаш | фискал хотираға киритилган суммалар қайтарилишини ҳужжатли расмийлаштириш                                      |
|   | созлигини таъминлаш, зарурат туғилганда – таъмираш   |
|   | солиқ органлари текширув ўтказаётганда НКМни текшириш имконини таъминлаш ва НКМга доир ҳужжатларни тақдим этиш |

НКМни қўллаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик

Жисмоний шахслар, шунингдек корхонанинг мансабдор шахслари маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бунга қуидагилар асос бўлиши мумкин:

товарлар, ишлар ва хизматларни НКМни қўлламасдан, харидорга квитанция ёзиб бермасдан, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бермасдан сотиш;

сертификати бўлмаган ва (ёки) белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган ёхуд солиқ органида рўйхатдан ўтказилмаган НКМни қўллаган ҳолда чекларни бериш.

НКМнинг пломбалари сақланиши учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари шахсан жавобгар бўлади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддасига мувофиқ молиявий санксиялар қўлланади.

Солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча хукуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санксиялар унча оғир бўлмаган молиявий санксияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид хукуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилади. Бунда жариманинг узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган хукуқбузарлик учун белгиланган

энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмас (Солиқ кодексининг 108-моддаси 8-қисми).

Қўлланиладиган молиявий санксия ҳуқуқбузарликнинг оқибатлариға номутаносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатта олиб, суд молиявий санксиянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санксия энг кам миқдорининг 25%идан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни албатта кўрсатган ҳолда молиявий санксия қўллашга ҳақли (Солиқ кодексининг 112-моддаси 4-қисми).

Онлайн-НКМ чеки товарлар, ишлар, хизматларни реализатсия қилишда берилади. Мақолада касса чеки нималиги, қандай маълумотлар унда бўлиши кераклиги, касса чеки ҚР код бўйича қандай текширилиши ва чек қоидаларни бузиб берилганда қандай жарима чоралари келиб чиқиши ҳақида айтиб берамиз.

Онлайн- Назорат-касса машинаси (НКМ) чеки нима

Онлайн касса чеки – бу харидор (мижоз) ва сотувчи ўртасида реализатсия қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб-китоблар амалга оширилганини тасдиқловчи, онлайн-ККМда шаклланирилган ва қоғоз ташувчига чиқарилган ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи бирламчи ҳисоб ҳужжати. Ҳар бир қоғозга чиқарилган чекнинг электрон нусхаси бўлади.

Онлайн-НКМ чекида Президентнинг 06.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сонли Фармони 5-банди, Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди (23. 11. 2019 йилдаги 943-сонли ВМҚ 1-иловаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга қўйиладиган техник талабларнинг 3-банди (23. 11. 2019 йилдаги 943-сонли ВМҚ 2-иловаси) билан белгиланган реквизитлар рўйхати бўйича харидлар ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

Президентнинг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сонли ва 23. 11. 2019 йилдаги 943-сонли ВМҚ га мувофиқ, аҳолидан тўловларни терминаллар ёки тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда қабул қиласидаги хўжалик юритувчи субъектлар харидорга онлайн НКМ чекини бериши керак.

Шундан келиб чиқадики, онлайн-НКМ чекини харидорга тўлов шаклидан қатъи назар бериш керак.

Онлайн-НКМ коди ҚР-кодсиз бўлиши мумкинми

ҚР-код – бу онлайн-НКМ чекининг мажбурий реквизити, у қоғоздаги чек маълумотларини фискал маълумотлар оператори серверидаги электрон шакл билан солиширишга ёрдам беради. Электрон шаклда маълумотлар бўлмагандан қоғозли чек ҳақиқий ҳисобланмайди.

Агар тадбиркорлик субъекти ўз товарлари ёки хизматларини реализатсия қилишда онлайн-НКМ чекини бермаса ёки уни қоидаларни бузган ҳолда берса, солиқ органлари жарима қўллаши мумкин. Яъни:

НКМ қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда, уларни қўлламасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун жарима –5 млн сўм (СК 221-моддаси 1-қисми);

Солик органларида рўйхатга олинмаган назорат-касса техникасини қўллагандага жарима –7 млн сўм (СК 221-моддаси 2-қисми);

Бошқа шахслар номига расмийлаштирилган НКМдан фойдаланилиши учун жарима - 20 млн сўм (СК 221-моддаси 3-қисми);

Техник талабларга мувофиқ бўлмаган ёки хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМдан фойдаланганлик учун жарима –20 млн сўм (СК 221-моддаси 4-қисми);

назорат-касса техникасининг фискал хотираси хизмати дастурига ноқонуний равища ўзгартириш киритиш учун жарима – яширилган (камайтириб кўрсатилган) солик базаси суммасининг 20 фоизи миқдорида. Яширилган (камайтириб кўрсатилган) солик базаси суммасига СКга мувофиқ солиқлар ҳисобланади (СК 223-моддаси 3-қисми).

### **Хулоса**

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида юзага келган инқизорли ҳодисаларга қарамай, Жаҳон ҳамжамиятининг ахборот компонентини шакллантириш жараёни аллақачон бошланган ва баъзи соҳаларда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Келажакда бу тенденсиялар янада кучаяди ва XXI асрда ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг сезиларли даражада тезлашишини ҳисобга олсак, яқин ўн йилликларда Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш имкониятини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/5030957>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 17.11.2011 йилдаги 306-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1904344>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 26 апрель, ПҚ-1326-сон. <https://www.lex.uz/docs/1620565>

4. Abdulazizovich, K. U. (2022). Improving Methodological Approaches to Financial Asset Accounting. INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(4), 56-62.

5. Khakimov, B. J., Alimov, B. B., Kholmirzayev, U. A., & Polechov, A. X. (2013). theory of Economic Analysis. Tashkent" economics-finance"—2013.

6. Abdulazizovich, X. U. B. (2024). MOLIYAVIY AKTIVLAR TASNIFINI TAKOMILLASHTIRISH. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 41(2), 82-86.
7. Abdulazizovich, X. U. B. (2023). Moliyaviy aktivlar hisobini yuritishda xalqaro standartlar qoidalarini qo'llash masalalari. Ilmiy monografiya. Toshkent–2023.
8. Xolmirzayev U.A, Xakimova G.A. “Sanoat korxonalarining innovatsion samaradorligini oshirish yo‘nalishlari”. ilmiy monografiya. Toshkent–2024.